

## ҚАЛҚАМА СУВ ОМБОРИНИНГ УМУМИЙ ЛОЙИХАВИЙ МАЪЛУМОТЛАР ВА ИНШОТЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ.

<sup>1</sup>асс. Н.Ў.Сармонов,

<sup>1</sup>талаба. А.М.Мийлиев

<sup>1</sup>“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригатсия  
ва агротехнологиялар институти.

**Аннотатсия:** Сув омбори Қоратепа тоғлари Қашқадарё депресияси билан тўқнашган жойда жойлашган, бу ерда полезой жинслари неогон чўкмалари билан қопланган, улар ўз навбатида делювиал ва аллювиал чўкмалар билан қопланган. Силур оҳактошлари 40-60° бурчак остида моноклинал жойлашган неогон чўкмалар деярли горизантал жойлашган.

**Калит сўзлар:** Сув омбор, сел, КМК, сейсмик, синф, ҳарорат, ёгингарчилик.

Сув омбори Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Қалқама қишлоғи яқинида Чироқчи туман марказидан 40 км масафода, Чамбил қишлоғидан 1 км юқорида жойлашган. Маъмурий жихатдан сув омбори Қашқадарё вилоятига қарашли.

Қалқама сув омбори ўзанли типда, мавсумий ростланади, саккизта сойдан бирикган жойдан Қумдарё ўзанида жойлашган. Сув омбори аввал пастда жойлашган аҳоли пунктларини тошқиндан ҳимоялаш мақсадида сел сув омбори сифатида фойдаланилган, аммо ҳозирги вақтда сув омбори вазифасини бажариб Чироқчи туманида 7,5 минг га ерларни суғоришга мўлжалланган. Қалқама сув омбори лойиҳа КМК 2.06.11-04 бўйича район сейсмиклиги -7 баллни ташкил этади.

Иншоотлар лойиҳа ва КМК 2.06.01-97 ва КМК 2.01.03.96 бўйича III синфга киради.

Бош лойиҳачи – Уздавсувлойиҳа институти.

Сел сув омбори қурилиши 1985 йил бошланган, 1 навбат 1987 йил фойдаланишга топширилган, 2 навбат қурилиши бошланмаган.

**Сув омбори жойлашган туман иклими:** Қалқама сув омбори жойлашган худуднинг ёзи иссиқ, қиши илиқ бўлиб, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати +16,8°С даража бўлади. Ёз мавсумида ҳавонинг абсолют максимал ҳарорати +40°С даражани, июль ойида ўртача +28°С даражани ва қиш даврининг январь ойида ҳавонинг абсолют минимум ҳарорати -25°С даражани ташкил этади. Қиш мавсуми узоқ давом этмайди. Қиш-баҳор ойларида ёгингарчиликлар кам қузатилади. Ўртача йиллик ёгингарчилик миқдори

220–295 мм ни ташкил этади. Ёгингарчилик асосан ноябрь-апрель ойларида қузатилади. Энг кўп ёгингарчилик даври март-апрель ойларига тўғри келади. Йиллик ўртача буғланиш 1300 мм ни ташкил этади.

**Сув омборининг геологик ва гедрологик шарт-шароитлари:** Сув омбори Қоратепа тоғлари Қашқадарё депресияси билан тўқнашган жойда жойлашган, бу ерда полезой жинслари неогон чўкмалари билан қопланган, улар ўз навбатида делювиал ва аллювиал чўкмалар билан қопланган. Силур оҳактошлари 40-60° бурчак остида моноклинал жойлашган неогон чўкмалар деярли горизантал жойлашган. Сув омбори косаси 150 метргача бўлган қалинликдаги кумоқ-шағал, кум-шағалдан иборат, шағал орасида ўрта ва йирик донали кум линзалари бўлиб улар қалинлиги 0,1 дан 2,4м гача ва ундан кўп. Уст қисми деярли ҳамма жойда қалинлиги 0,05 дан 2,3 м гача бўлган ўнг борти 25 м қалинликдаги шағалли кумоқ, кумли-шағаллардан иборат, унинг орасида қалинлиги 0,2-2,5 м бўлган кум қатламлар бор баъзи холларда шағал орасида қалинлиги 1,0-2,5 м бўлган кумоқ қатламлар жойлашган.

Ўнг борт пастки бьефда доимий булоқ бор, тўғон чап қирғоғи томони қалинлиги 10-25 м кумлоқлар билан қопланган, кумлоқ орасида қалинлиги 10 м гача кум қатламлари мавжуд.

**Сув омборининг параметрлари ва белгилари:**

Сув омбори отметкалари:

ФПУ- 679,0 м;

НПУ-677,2 м;

УМО-663,0 м .

Сув омбор хажми:

ФПУ- 12,0 млн. м<sup>3</sup>;

НПУ-9,45 млн. м<sup>3</sup>;

УМО- 0,1 млн. м<sup>3</sup>.

Юзадаги майдон

ФПУ- 1600 минг м<sup>2</sup>;

НПУ-1425 минг м<sup>2</sup>;

УМО- 100 минг м<sup>2</sup>.

НПУ даги саёзликлар майдони – 1,0 км<sup>2</sup>

Сув омбори максимал узунлиги -2,5 км, эни 1,0 км.

**Сув омборининг сув муҳофазаси зонаси:** Сув омборининг сув муҳофазаси зонаси унинг акваториясига туташиб кетувчи ҳудуд бўлиб, унда сув ресурслари муҳофазаси, оқиб келувчи сув манбалари, сув омбори ва оқиб чиқувчи каналлар ўзанларини бузилишдан сақлашга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилиши йўлга қўйилади. Шунингдек, ушбу ҳудудда

юритиладиган хўжалик фаолияти фақатгина амалдаги талаблар доирасида ва юқори сув хўжалиги ташкилотлари, жумладан Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси рухсати билан Қашқадарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва соғлиқни сақлаш бошқармалари билан келишилган ҳолда олиб борилади.

Сув муҳофазаси зонасида ҳудуд санитария ҳолатини зарур даражада сақлаш, сув омбори сувининг ифлосланиши ҳамда ўзанини тупроқ эрозияси қолдиқлари билан тўлишини олдини олиш мақсадида махсус тартиб ўрнатилади. Мазкур ҳудуддаги хўжалик фаолияти фақатгина ушбу тартиб асосида йўлга қўйилади ва ҳудудда жойлашган ҳар бир объектнинг эгаси бўлган ташкилот томонидан сув муҳофазаси талабларига риоя қилиш тўғрисида кафолатловчи шартнома мажбуриятлари имзолангандан кейингина объектда хўжалик фаолиятининг юритилишига рухсат берилади.

Сув муҳофаза зонаси сув омборининг бутун периметри бўйлаб белгиланади.

Сув омбори сув муҳофазаси зонасининг таркибига қуйидагилар киради:

- келгуси 50 йил ичида қайта шаклланиши кутиладиган қирғоқлар зонаси (янги қурилиш қилиш чегараланадиган зона);
- сув омборига бевосита туташиб кетувчи сойлик, жарлик, қирғоқ бўйи қияликлари ва нишаблиги 5 градусдан юқори бўлган нураган ерларни ўз ичига олувчи эрозион фаол зоналар ва тупроғи силжишга мойил участкалар;
- сув омбори сувга тўлган вақтда вақтинча сув остида қоладиган ҳудудлар;
- ер ости сувлари доимий юқори бўлган ҳудудлар;
- сув омборнинг қирғоқларига экилган ихота дарахтлари.

Сув омбори сув муҳофаза зонасининг кенглиги унинг ва унга ёндош ерларнинг қандай мақсадларда фойдаланилишини ҳамда маҳаллий рельефни инобатга олган ҳолда, яъни маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда, сув омборининг нормал тўлган ҳолатидаги сув юзасининг (қирғоқдаги) четидан 100 метрдан кам бўлмаган масофаларда белгиланади.

Сув омборининг нормал тўлган ҳолатидаги сув юзасининг (қирғоқдаги) четидан 50 метр масофада ҳар қандай хўжалик фаолияти юритиш, шу жумладан бирон бир объектни қуриш сув омборидан фойдаланиш бошқармасининг махсус рухсатисиз амалга оширилмайди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги қонунни 1993 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларининг ҳафсизлиги тўғрисида” ги қонунни 20 август 1999 йил, 826-1-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гидротехника иншоотларининг ҳафсизлиги тўғрисидаги қонунни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қорори. 16 ноябр 1999 йил, 499 сон
4. Бакиев М.Р., Носиров Б., Хўжақулов Р. Гидротехника иншоотлари. Т.: 2007. – 361 б.
5. Zhuraevich B. S. et al. USE OF MINERALIZED WATERS FOR IRRIGATION OF THE TERRITORY OF UZBEKISTAN //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 10. – С. 717-723.
6. Shaxboz L. va boshqalar. AMU-QASHQADARYO ITHB HUZURIDAGI NASOS STANSIYALARI VA ENERGETIKA BOSHQARMASIGA QARASHLI NASAF (YO 'LDOSH) VA YORDAMCHI NASAF (YO 'LDOSH) NASOS STANSIYASINI VEGETATSIYA SANSIYASINING DAVRIDA INALISENTOFIJINI VA ENERGETIKA BOSHQARMASIGA QARASHLI NASAF (YO 'LDOSH) VA TA'RIMIY TADQIQOTLAR. – 2023. – Т. 6. – Yo‘q. 4. – 918-922-betlar.
7. Гаппаров Ф., Сармонов Н. ТАЛЛИМАРЖОН СУВ ОМБОРИ ЮЗАСИДАН БЎЛАДИГАН БУҒЛАНИШЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ИНШОТ ИШОНЧЛИ ИШЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ //Innovatsion texnologiyalar. – 2022. – Т. 1. – №. 04. – С. 45-47.
8. Abdirazzokov AI, Sherboyev ZX, Sarmonov NO YERLARNING MELIORATIV HOLATINI YAXSHILASHDA MELIORATIV QUDUQLARNING AHAMIYATI //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – Т. 11. – Yo‘q. 4. – S. 2021-2025 yillar.
9. Murtazayev E.M., Gulboyevich AT FERMALI TO 'SINLARDAN TASHKIL TOPGAN BINOLARNI TOMINI KORROZIYADAN HIMOYA QILISH TURLARI VA USULLARI //DUNYODA TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA G'oyalari. – 2023. – Т. 23. – Yo‘q. 7. – 113-120-betlar.
10. To'ychi A., Shohabbos B. BO 'LAJAK MUHANDISLARGA UMUMKASBIY FANLARNI O 'QITISH ORQALI ILMIY TADQIQOT FAOLIYATGA TAYYORLASHNING TASHKILIIY-MAZMUNIIY MODELII //UNIVERSAL JOURNALSO FIESOCIAL SOCIAL SOCIAL SOCIAL JOURNAL. – 2023. – Т. 1. – Yo‘q. 7. – 204-209-betlar.